

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 94-ҳадис

94 - وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «رَحِمَ اللَّهُ رَجُلًا سَمَحًا إِذَا بَاعَ، وَإِذَا اشْتَرَى، وَإِذَا اقْتَضَى». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам:

«Сотганда ҳам, сотиб олганда ҳам, ҳақ талаб қилганда ҳам бағрикенг бўлган кишига Аллоҳ раҳм қилсин!» дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Шарҳ: Одатда олди-сотди, савдо, тижорат ишлари баҳслашиш, келишмовчилик ва сўз айтишиш билан амалга оширилади. Ислom бу хусусда ҳам бошқалардан ажралиб туришини истади. Шунинг учун уларни муомалада ўзарo раҳм-шафқатга, олди-бердида енгиллик қилишга, сотувчи билан олувчи орасида ҳийла ишлатмасликка, нарх белгилашда қаттиқлик қилмасликка ва одамларни ҳаққини уриб қолмасликка чақиради. Шунингдек, қарз олди-бердисида ҳам бағрикенг бўлишга чақиради. Ушбу ҳолатда ҳам Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг суннати набавияларига мувофиқ амал қилиб, Аллоҳнинг розилигини топиш мақсад қилинади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Муслмон киши ҳаётининг ҳар бир жабҳасида Ислom бағрикенглигига риоя этади.
2. Савдо ва тижоратда, нарх белгилашда ҳаддан ошмайди, муомалада ростгўй бўлади.
3. Сотиб олишдаги бағрикенглик- сотувчига пулни тўлашда чўзиб юбормаслик.
4. Сотишдаги бағрикенглик- қасам ичиб, буюмни сотмасликдир.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI